

Бақара сураси, 47-оят

10:05 / 27.08.2017 3624

Эй Бану Исроил, сизга инъом этган неъматларимни ва Мен сизларни оламлардан афзал қилиб қўйганимни эсланг! Бақара 47.

Ўша пайтларда пайғамбарлар, илоҳий китоблар ва бошқа афзалликлар Бану Исроилга берилган эди. Лекин улар бу неъматларга шукр этмадилар, аҳдга вафо қилмадилар. Шундан сўнг Аллоҳ уларни лаънатлади, ғазаб қилди ҳамда уларга хорлик ва зорликни раво кўрди.

Бу оятда уларнинг афзал бўлганликларини эслатишдан мақсад Исломни кўрсалар, иймон йўлига юрсалар, яна қайтадан ўша афзалликларга эришишлари мумкинлигини эслатишдир.